

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 100 (6842)  
1997 йил 24 декабрь чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

## Ким малика?..

Гулистондаги «Кувонч» болалар гимназиясида гимназия гузал қизчаларининг курик-танлови бўлиб ўтди. Маликаликка номзод булган саккиз нафардан иборат қизалоқлар ёқимтой ва хушсувратликда бир-бирларидан қолишмайдилар. Танлов якунига келиб жюри ҳайъати ҳам бир қарорга келишда анча тортишдилар. Сабаби қизалоқлардан бирданга иккитаси Умида Халқжонова билан Саодат Нуъмонвалар 19,4 баллдан туплашганди ва иккиси маликаликка даъвогар эдилар. Улар танлов шартларини аъло даражада адо этдилар. Яъни «Ўзи ҳақида сўзлаб бериш», «Рақс тушаман, чанак чалинг», «Мен ёш қўшиқчиман», «Шеър айтаман, тинглаб кўринг» каби шартларни бажаришди. Хуллас, мана шу довлардан зур маҳорат билан ўтган бу икки қизалоқ Саодат билан Умиданинг иккиси ҳам «Кувонч» маликалари дея тан олинди. Лекин беллашувда яна бир интирок-

## ҚУВОНЧ ҒУНЧАЛАРИ

чи ҳам бор эдики, унинг истеъдодига тан бермасдан илож йўқ эди. Ситора Абдурасимова «Кувонч»нинг дилбар маликаси, дея эълон қилинганида томошабинлар гулдурас қарсақлар чалиб, дилбар маликани олқишладилар. Қизча нафақат узининг либослари билан, балки мафтункор туркча рақслари, чиройли ҳаракатлари билан ажаллиб туради.

Хулоса қилиб шунни айтмоқчи эдимки, бундай танловлар қизчаларда булган истеъдодни юзага чиқаришга, шаклланишига яхши ёрдам беради. Фарзандларининг бундай қувончлари еки уларнинг кўпчилик томонидан малика дея аталлишлари ҳам бир ота-онанинг қалбини фаҳрга тулдириши табиийдир. Шундай экан, нафақат Гулистон шаҳрида, балки шаҳарларро, боғчалар, еки мактабларро ана шундай аъло ўқувчи қизлар, намунали хулқлари билан мактабда, оилада узини кўрсатаётган ўқувчилар уртасидаги танловлар йўлга қўйилса, тарбиявий аҳамияти ҳам яхши буларди, назаримда.

Бири-биридан яхшироқ ўқишга, уй ишларида онажонларига ёрдам беришда ким узарлик бошланиб кетса қандоқ яхши, шундай эмасми? Ишдан чарчаб келган она учун ховли суғурилган, уйлар ораста бўлиб, кечки овқатлар тайёрланиб қўйилса, бундан-да ортироқ совға бормикан?

Азизлар! Мана 1998 йилни «Оила» йили деб эълон қилинди, мен доимо ҳар бир оила бағридаги болажонларнинг яйраб вояга етишларини, ота-она меҳридан баҳра олиб гулдек кўнглилари асло дард кўрмасдан вояга етишларини чин дилимдан истардим. Уй, оила, жамият ва мактаб уртасидаги узвий боғлиқлик, эътибор мана шундай танловларда ярқ этиб юзага чиқади.

Басира САЙИД АЛИ,  
Гулистон шаҳри



Болалар, бола бошидан, деган гапни катталардан эшитган бўлсангиз керак. Бу — боланинг келажоғи унинг хатти-ҳаракати, интилиши ва изланишлари орқали болалигиданоқ билинади, дегани.

Зебунисо 10 ёш, Бобур 9 ёш. Ҳар иккала она-ука Тош-

кент вилояти Зангиота туманидаги 10-мактабда ўқишади. Юқоридаги суратни Зиёда ва Бобур Ғиёсовлар чизишган. Уларнинг чизганлари жуда кўп. Биз қиш мавсуми бўлгани учун фаслга оид суратларини танлаб олдик ва оддий бўёқ қалам билан ҳаёт тарзи, орзу, ке-

чималарини оқ қоғозга тушираётган тенгдошларингизга ҳавас қилдик. Ахир улар телевизорда кўрганларини, кўча-кўйда суҳбатлашганларини, китобда ўқиганларини... қоғозда жонлантиришга уринишар экан-да! Бу билан улар рассом бўлиб қолишадигани эмас, балки, синчковликни, сезгирликни ҳам ўзларида улғайтиришади. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, улар СЕЗГИР ВА СИНЧКОВ! Эҳтимол сиз ҳар кунни қатнайдиганингиз — мактабингизнинг сизга қараб турган деразаси, унинг ойнаси... нечталигини

## ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Хадра — Тошкентнинг энг гавжум майдонларидан бири. Бу ерда транспорт қатновини тартибга солиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ероти йўллари қурилди. 18 декабрь куни давлатимиз раҳбари ана шу майдонни куздан кечирди. Бу ишга мутасадди раҳбарлар, қурувчилар, йўлсозлар билан суҳбатлашди. Шу кунни юртбошимиз замонавий технология ва миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган республика Олий Мажлисининг янги биноси ҳам бориб кўрди. Бу ерларни кўкаламзорлаштириш, уни Миллий боғ билан ягона мажмуага айлантириш ҳақида зарур маслаҳатлар берди.



## АҚЛ КИТОБИ

Ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Британия кенгашидан университет ва бошқа олий ўқув юрти учун пухта ҳамда замонавий инглиз тили дарслигини тайёрлашда ҳамкорлик қилишни сўраган эди. Ушбу китоб дунё юзини кўрди. Word Wise (Ақл китоби) уз мазмуни жиҳатидан ешларнинг қизиқишларини шакл-шубҳасиз ўзига торта билади.

## «ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР»

Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан республика умумтаълим мактабларининг 9, 11-синф ўқувчилари ва ҳунар билим юрklarининг талабалари уртасида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусидаги анъанавий ижодий иншолар танловининг 1, 2, 3 босқичи туман ва вилоятларда ўтказилди. Унинг сўнгги босқичи келгуси йил 9 январь куни пойтахтимизнинг Нафис санъат лицейида бўлиб ўтади.

санамасиз? Эшик кўзи борми? Деворнинг нураган ёки ранги ўчган жойи-чи? Нега улар унақа? .. Шу каби саволларга жавоб ҳам топмагандирсиз? Лекин имонимиз комилки, Бобур ҳам, Зебунисо ҳам бу каби саволларга тезда жавоб қайтаришади. Ахир улар ҳар бир нарсадан сурат излашади. Натижада унинг сийратига сафар қилишади. Болалик — улғайиш пиллапоясида хотира кучли, эслаб қолиш, илғаб олиш қобилияти кучли бўлади! Сиз ҳам ўрғанинг улардан! Улардек бўлишга ҳаракат қилинг.



## ШОУ... ШОУ... ШОУ!

Биз яхши куриб байрам қиладиган янги йилга ҳам озгина вақт қолди. Мактабимизда синф-синф булиб тайёргарлик кўряпмиз. Юқори синфлар катта байрам — ШОУ утказишяпти. (Устозларимизнинг айтишларича ШОУга бизни киргизишмас экан) Афсус... Бизлар эса уқитувчимиз Ёкутой опамиз билан келишиб синфда арча ясагиб ўзимизга яраша кичкина ШОУ утказмоқчимиз. Биримиз шеър едласак, биримиз билган рақсимизни ижро этмоқчимиз. Интермедиямиз ҳам бор. Шоумизнинг қизиги шундаки, синфдаги арчани ўзимиз ясаган уйинчоқлар билан безатмоқчимиз. Ҳаммамиз уйдан тухум қобиги, ёнғоқ, нухат, қуритилган барглари, шоколаднинг ялтироқ зар қоғозларидан арча безаклари ясадик. Дардан сунг бир соат қолиб меҳнат дарсида урганган уйинчоқларимизни тайёрляпмиз. Мен ўзим пластиндан Қорбобо ва Қорқизи ясаб, устидан зар қоғозларнинг кукунини селдим. Жудаям чиройли чиқди-ку, дуконларда сотилаётган Қорбободан фарқи йўқдек.

Шу кунгача ҳамма нарса тахт, фақат арча олинса бўлди. Кичкина Шоу катталарникидан қолишмайдиган бўлади.

**Ирода ЗАФАР кизи,**  
Тошкент шаҳридаги  
268-мактаб



### Қадрли болалар!

**Эшитишимизча, ўзоқ Шимолдан оппоқ отиға чана боғлаган оппоқ соқолли Қорбобо, Қорқизи билан йўлга тушганига анча бўлганмиш. Баъзи бир ўзунқулоқ гапларга қараганда унинг янги йил совғалари ҳам бир неча чанага юк қилиб ортилганмиш. Хуллас мутахассисларнинг фикрича, азиз меҳмонимиз Қорбобо, янги йил кечаси кўни юртимизга ташриф буюрармиш. У совғаларни фақат аълочи ва билағон ўқувчиларга улашармиш. Шунинг учун Андижон Муҳандислик институти қошидаги гимназия ўқувчилари Қорбобони кўтиб олиш мақсадида астойдил тайёргарлик кўришаётган эмиш. Сиз суратда ана шу тенгдошларингизнинг тайёргарликларидан лавҳалар кўриб турибсиз.**



### Шифокор маслаҳатлари

Қишли-қировли кунлар бошланиб, ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида кўпчилик тез-тез шамоллаб ва тумов булиб туради. Агар қаттиқ шамоллаб, бурнингиздан сув оқаверса, даструмолингизни лавлаги сувига намлаб бурнингизга қуйсангиз, бурундан сув оқиши тўхтайд.

\*\*\*

Бошингиз қаттиқ оғривса,

## СИЗ БУНИ БИЛАСИЗМИ?

лавлаги сувига пахтани намлаб қулогингизга тиқиб қуйинг.

\*\*\*

Мабодо тишингиз оғриб қолса, саримсоқпиез булагини оғриётган тишга қуйиб, устидан пахтани босинг. Шунда албатта тиш оғригидан қутуласиз.

Агарда сиз қаттиқ йуталдан безовталансангиз, беҳи уруғларини ажратиб олиб (уруғлар қанча кўп бўлса, шунча яхши) каттароқ кастрюлкага соласиз ва мулроқ сув қуйиб то қуюқ «кисел» ҳолига келгунча қайнатасиз. Сунгра тайёр бўлган «кисел»ни су-

зиб, банкага солиб қуясиз. «Кисел»ни бир ош қошиқдан кунига 3-4 марта ичасиз. Тайёрланган киселингизни оғзи ёпиқ банкада музлаткича сақлашни унутманг!

**Муҳаббат МАКСУДОВА**  
тайёрлади

### Катталар, эътибор беринг

йўқ. Келгуси йил учун обуна аҳволи ҳам ута ташвишли эканлигининг гувоҳи бўлди. Булардан қуриниб турибдики, болалар маънавиятига мазкур лицейда старлича эътибор бе-

тиқ мактаб ўқувчиларини бағрига қорлашга мулжалланган лицейда айни пайтда бошқа хужаликлардан атиги 20 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётгани ҳам аҳволнинг аянчли эканлигидан далолат бериб турибди.

Ш. Рашидов туман халқ таълими бўлими раҳбарияти 22-сонли лицейдаги бугунги юзага келган аянчли аҳволни унглашга амалий ёрдам бермас экан, эртага бармоқ тишлаб, «аттанг» деб қолишлари ҳеч гап эмас.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
махсус мухбиримиз

уқийди. Уларга 15 нафар ўқитувчи математика, тарих, химия фанларини чуқур ургатиб боришда фидойилик қилишяпти. Олтита синфхона машгулотлар утказишга камлик қилаяпти. Хоналар иситилмаслиги натижасида ўқув-

## «АТТАНГ» ДЕБ ҚОЛМАНГ

чилар совқотиб дарс тинглашади. Маънавият ва маърифат хонаси йўқ. Кутубхона учун ажратилган жуда тор ва қуримсиз хонада бўлса жавонлар йўқлиги туфайли қимматбаҳо китоблар туғридан-туғри полга тахлаб қуйилган. Газеталар тахлами умуман

рилмаяпти. Жорий йилдаги обуна аҳволи билан қизиққаннимизда, лицей илмий бўлим мудири Маъмуржон Холмирозев «директоримиз билади», дея елка қисишдан нарига утолмади.

Тумандаги йигирмадан ор-

### Яхшидан бог қолади

Устоз — сеҳрли, пурҳикмат, муътабар суз. Уни бутун умр ардоқлаб, эъзозлаб юрамиз. Устознинг муборак ва қутлуғ номи тилга олинishi билан дилимиз ойдинлашиб, кўксимизда ширин-ширин ҳислар уммони тулқинланади. Бошимизда нигоҳбон бўлган, мудом яхшиликларга ундаб, йиллар давомида билимини, кучини, ҳуснини, қалбини шогирдларга улашиб келувчи инсонлар шулардир. Ҳаёт абадлиги, умримиз абадлиги шулар билан. Эл қузида устоз мураббий жуда улғ инсон, гузал умр меъморидир.

Тошкент Давлат Университетининг профессори Тўғон Эрназаров уттиз йил давомида бор билимини, педагогик маҳоратини, ҳароратли қалбини шогирдларга тенг улашиб келган камтарин, заҳматқаш, бағрикенг инсон эди.

Универсиетет у киши учун устоз — у мураббийлар, шогирдлар ва талабалар уртасидаги бетакрор, гузал, эр-



### УСТОЗГА ТАЪЗИМ

кин, оддий ва мусаффо муносабатлар ҳукм сурган зиё маскани эди.

Т. Эрназаров 1922 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилиб воёга етди. Мактабда, ўқувчилар орасида илк ҳаёт сабоқларини олди. Ҳамма нарсага қизиқувчан, зийрак, гайратли Тўғонжон ўқувчилик кезларидаёқ болалар ва ёшлар газетаси, Тошкент радиосида рапп-баранг ва мазмунли хабарлари билан қуриниб турди. Ёш мухбирнинг болалар ҳаётини акс эттирувчи пьесалари мактаб саҳнасида қуйилиб, фахрли уринларни олди.

Уруш бошланиб кетганида у ўз урнини жанг майдонида деб билди. Жангчи алоқачи сифатида Курск ёйидан Прагага қадар йўлни бир қулида қурол, бир қулида қалам билан босиб ўтди. Фронгда чиқиб турган ўзбекча газеталарда ҳарбий мухбир булиб ишлади. Унинг шеър, ҳикоя, очерк, баллада, ихчам қиссалари ҳарбий қисмларда қўлма-қўл булиб кетарди. У киши ва таъсирчан ёзилган бу асарлар жангчиларимизга руҳий мадал берар, уларнинг кучига-куч, гайратига гайрат қушарди...

Профессор Т. Эрназаров Ўзбекистонда журналистика факультети алломаси даражасига қутарилган биринчи фан доктори, биринчи профессор эди. У 1967 йилдан университетга ишга ўтиб, журналистика факультетини ташкил этди. Шу факультет деканлигига сайланди, кафедранинг бошқарди. Илмга чанқоқ, қобилиятли ёшларни илмий ишга жалб этди. Уттиздан ортиқ ёш олимлар унинг раҳбарлигида диссертация еқлади. Журналист ва олим юқори малакали мутахассислар тайёрлашга самарали ҳисса қўшди. Унинг неча юзлаб шогирдлари Ўзбекистонда, хорижий давлатларда журналист касбини улўглаб, ҳалол ва самарали меҳнат қилмоқдалар.

Олимнинг миллий матбуотимиз тарихи, унинг шаклланиши ва равнақига бағишланган мақолалар, минюграфиялар, дарсликлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган, кенг эътироф этилган. Унинг фарзандлари, неваралари ҳам ота изидан бориб, журналистлик касбини эгалладилар. Устоз ҳаёт бўлганларида шу кунларда уларнинг қутлуғ 75 ёшларини оила-аъзолари, қариндош-уруғлари даврасида нишонлаган бўлар эди. «Яхшидан бог қолади», Журналистларнинг бир неча авлоди у зотнинг табаррук номини ифтихор билди тилга олмақда.

**Анвар КАРИМОВ**



Бундан икки йил муқаддам Ш. Рашидов туманидаги 22-сонли лицей Темур Малик номли хужаликнинг ёпилиб қолган богчаларидан бири биносига жойлаштирилиб, фаолият бошлаган эди. Ушанда туман раҳбарлари бу вақтинчалик бинолигини, ҳадсмай дурустроқ жой топиб, старлича шарт-шароит яратиб беришга тоғдек ваъда қилишганди. Бугунги кунда булса лицей олдида муаммолар «тоғ» и вужудга келиб турибди. Лицейда 103 нафар бола

# ОЛИСЛАРДА ҚОЛДИ У ТОНГЛААР...

Зангор-зангор даштлар  
кўйида  
Хаёллари ширин-ширин  
Орзулари тиниқ-тиниқ  
бир бола,  
Кўм-кўк майсалар бағрида  
Кўллари боши остига  
кўйиб  
термулади осмонга...  
Осмон мовий рангда,  
мовий ранг —  
боланинг жони.  
Термулади бутун вужуди  
кўзга айланиб,  
қорачиқлари сигмай  
қабокларига...  
Тиниқлашиб боради осмон  
кўз ўнгида боққани сайин.  
Чексизланиб боради осмон  
кўз ўнгида боққани сайин  
Йироқлашиб боради осмон  
кўз ўнгида боққани сайин.  
Мовий осмон ва бир бола  
Сирлашади...  
Сирлашар ҳамон,  
бир-бирига термулиб,  
тўймай,  
зангор-зангор даштлар  
кўйида...

Бугун эрта туриб болалигимни уйладим. Хаёлимга энг аввало, ушбу шеърим келди. Сунг у узининг мусаффо тонглари, учи-қири йуқ кенликлари, мовий осмонлари бағрига олиб кетди. Улар бари энди олисда. Айниқса тонглари, тороз юлдузи порлаб турган, сарин-сарин салқин еллари, покиза тонглари уйғотган, қузигулларнинг нафисгина япроғини силаб, эркалатган тонглари олисда. Шундай, олисларда қолди у тонглари. Болалик ҳам қолди улар бағрида. Мен эса бугун тонгда уларни хаёлнинг ёдлари орқали эсламоқдаман.

Болалик хаёли қолди... Мол боқардим. Комилоннинг кенг бузлари ҳамроҳим эди. Тургайлар шивирлаб осмонни кутарарди, қанотларида. Қузигуллар сеп ёйиб даштларга қурпачалар тушарди. Эрта кукламда жудаям гузал буларди, даштлар. Жарга ҳар йили кукламда ҳайқириб селлар келарди. Айниқса, ёмғир ва қор мул булган йилларда ёғочлар, бешиклар уйноқлаб оқиб келарди. Қишлоқнинг сувда сузишни биладиган эпчил йигитлари бешикларни тутиб олганларини курганман. Жар ҳайқириб авжига чиққанда қонсиради. Наъраси учсин дея молларни суйиб оқизишарди.



Куп эмас ун-ун беш кунлар давом этарди. Бундай вожоҳатдан кейин селнинг шашти тушарди. Сел кучайган маҳалда жарнинг уёғи билан буёғига утиб-қайтиш тухтарди. Гузарларни ювиб кетарди. Сел қайтгач (бу энди май ойининг урталарига туғри келарди) чумилгани чикардик. Бир кун муаллимимиз дарсни саҳатга айлантириб жарга чумилишга олиб борди. Сув анча пасайган, фақат гўм жойларида мулроқ. Қолган ерлари тиззадан юқори келарди. Синфдошлар куп хурсанд эдик. Ким биринчи булиб сувга ташлаш ҳаваси ҳаммамизда бор эди. Гуёки биринчи ташлаганнинг ошиғи олчи, обруйи баланд буларди. Шунда сувга шунгиган биринчи синфдошим Холмат булди. У ҳовлиқиб куйлаги ва калапуши билан ташлабди. Сувдан шунгиб бошини чиқарди. Узича мақтангиси келди. Лекин болалар унга қараб кулиб юбо-

ва жианлари томон кетган экан. Сувни ичдик. Офтобла офтоба суви қайнаб қолган экан. Кунглимизни айнитди. Кейин миямизга бир фикр келди. Ҳамроҳларимиздан бири гердайиб юрган хурозни уриб олмаймизми?—деди. Маъкул гап, ким уради? Менга қарашди. Мен кўрма таёқ уйинида чўқчи булардим. Шу боис менга тушди бу чек. Хуп дедим. Қулимдаги молбоқар таёғини чўқлаб хурозга одим. Мулжал хато кетмади. Оёғига тегди. Гийқ этиб йиқилди. Югуриб бориб ушладик. Сунг орамиздан кимдир қассоблик қилди. Даштга молларни ҳайдаб кетдик. Бир эски темир қутича топиб унга зурғатдан хуроз гуштини жойлаб, оловда пиширдик. Уччаламиз мазза қилиб гурдайдик. Томоша эртасига бошланди. Бизнинг саргузаштимизни узокдан Кичик момо куриб турган экан. Мاستон момога айтибди. Мاستон момо мени-

курун касалхонада навбатда қоларди. Мен бир узим булганим учун бизнинг уй тинч, дарс қилишга унғай экан. Бир сафар Маҳмуддеган синфдошимникига бордик. Кечгача дарс қилдик. Кейин китоблардаги ботирлар ҳақида гапиришдик. Қишлоқнинг оғир жойлари ҳам қолмади, бизнинг гурунгимиздан. Хаёлларимиз қаерларга бориб-келмади дейсиз! Хулласки биз ҳам ботир буламиз, оғир жойлардан ҳам қурқмаймиз деб келишдик. Худди шу маҳал пойгак томон қитирлади. Эшикка қарадим. Чироқ ёруғида бир нарса кўринди. У нақ остона ёнида тип-тикка турарди. Ҳозиргина гаплашиб турган гурунгимиз тумтароқ булди. Уйнинг турига қараб сурил-



Икром Отамуроднинг ёшлиги ҳам шеърга ўхшайди

куклами. Шунинг учун ҳам кукламни биринчи булиб болалар кутарди. Қалдирғочлар болаларни завқлантирарди. Султон Мир Ҳайдарнинг гўмбазларига келган лайлақларни куриб бошимиз осмонга етарди. Лайлақлар қанотидан тушиб улар кукламни олиб келарди. Даштларга куклам сеп ёярди. Улар ҳаммаси энди олисда... Болалигим сингари, тонглари сингари олисда... Касби қургонда усган қизгалдоқ сингари, Комилон даштларида чопган болалик каби олисда...

Қашқадарё даштлари  
Осмонга нока ёстиқ.  
Қўзилгулнинг ашклари  
Сабухдан синган сочтиқ.

Офтоб тандирнинг ўти,  
Бўз қуяди жизганак.  
Ҳайит чўпоннинг ити  
Ҳолиқиб излар канак.

Жизлон ёнтоқни тишлаб  
Нола қилар, жизиллар,  
Тупроқ ялаб, чанг алаб,  
Телба самум изиллар.

Оққиядан кўзголиб  
Ўнгири, дўнги бурув,  
Югурар шовур олиб  
Ангорга энган сурув.

Даштларинг бориғида  
Султондир нор туялар.  
Карракнинг ёриғида  
Калтакесак соялар.

Товушқон йўлин кертиб  
Чопар қиялаб този.  
Оқ тулпор келар йўртиб  
Ахтариб чавандозин.

Биёбон излар юқи  
Кўкда вижирлар тўрғай.  
Тегиб Шай мерган ўқи  
Йиқилар сўнги йўрғай.

Чиллак, жона машқларин  
Гоҳ мағлуб, гоҳ тўраси.  
Қашқадарё даштлари —  
Бир бола хотираси...

Лайлақлар, қузигуллар, тургайлар... Даштлар, осмон. Бир бола. Хогира. Олисларда қолди у тонглари...

Икром ОТАМУРОД



## Болаликка Сафар

ришди. Ҳайрон булди, шошиб куйлак ва калапуш билан шунгигани кейин эсига тушди. Қизарди, бузарди. Шуну ҳар сафар чумилгани борганда Холматни ҳоли-жонига кўймасдик. Бир чигирикдан утказардик. Ҳозир синфдошларнинг-ку ҳар жой-ҳар жойдалиги аниқ. Лекин уша жар бутунлай йуқолиб, кумилиб кетди. Ундан жилдираган изова қолди. Худди олисларда қолган болалигим сингари жарнинг жилдираган изоваси олисларда қолди. Болалигим қадрдонлари булган боболар ҳамда момолар ҳам олисда. Дусларим қатори болалигим қадрдонлари булган узимнинг бовам Панжи бова (худо уларни раҳматига олган булсин) Мاستон момо, Кичик момо, Ойтура момоларнинг феъл-атворлари, гап-сузлари бот-бот хаёлимдан кечади. Айниқса Панжи бова ва Мастон момонинг бир-бирларига булган меҳрлари, қаҳрлари болалигим йулларида қолган гузал хотиралар. Улар бир-бирига хуғир эдилар. Фарзандлари йуқ эди. Фарзандлари йуқлигимикин, болаларга меҳрибон эдилар. Бизларга парварда, нон, тухум, гулун беришарди. Биз билан эринмай гурунглашишарди. Уйлари чеккада, қишлоқдан йироқда эди. Ҳамроҳларимиз билан мол боқиб юрганимизда куп борардик. Мастон момо онамнинг дугонаси эди. Бир кун молларни тутларнинг соясига ҳайдаб: сув ичгани уларнинг уйига бордик. Учта бола эдик. Уйларида ҳеч ким йуқ экан. Мастон момо укасиникига Панжи бо-

нг икки ҳамроҳим қариндош-жианлари булгани учун уларга индамай мени бовамга урдиртирди. Алдаб тутиб олдида, булмаса қочардим. Туттирмасдик. Кейин Панжи бова Мастон момони анча койибди. Мастон момо узи ҳам сунг-сунг буни куп эслаб юрди. Укситганига узрлар сурарди, ҳар сафар курганимда. Мен эса ич-ичимдан хижолат булар эдим. Энди эса уларни эслатувчи хогира қолди холос. Молларни ёйиб юбориб болалар уйинга берилардик. Чиллак, жона, қурма, таёқ, кучмак, тунлари эса ёшинма-чок ва оқтош уйинлари ҳали хануз ёдимда. Айниқса, чиллак, биз уни аккол ҳам дердик. Зур уйин эди-да акколни тутсанг тутдинг, булмаса, зувиллаганинг, зувиллаган. Чарчайсанми, толиқасанми фарқи йуқ. Чидаш керак-да уйинга киргандан кейин. Бир кун уйинга берилиб моллар пахтага киргани учун отлик бригадир қувиб қамчи билан ургани ҳеч эсимдан чиқмайди. Шунда ҳам чиллак уйинини тарк этиб кетмаганмиз. Қамчи кесиб кетган елкамга Қодиробод рошидан ёлғизгина ушиб турган гулхайрининг нафисгина баргини олиб боғлаб куйганман. Қамчи қанча зирқиратган булса, гулхайри япроғи шунча поригаган. Билмадим уша Қодиробод ариғи ҳозир бормикан, унинг рошида усган гулхайри-чи?! Энди улар олисда...

Дарс қилгани юқори қишлоқдаги синфдошлар навбатма-навбат бир-биримизникига борардик. Чунки онам кеч-

дик. Гуё узоклардан қандайдир ваҳм, қоронгулик, ҳалиги нарсанинг нима эканлигини билмай қурқиб боряпмиз. Шунда синфдошимнинг укаси қузи илғайлик қилиб, бирдан юмронқозик экан-ку деб қулига илинган бир китобни кутарди ҳаволатиб. Биз қанчалик қалтираб турган булсак, у жонивор ҳам кутилмаган бу учрашувдан шунчалик эсанқираб қолган экан. Шунча кириб-чиқиб сезмаган эканмиз уша жойда ини борлигини. Бизнинг бу ҳолатимизни ойнадан синфдошимизнинг амакиси томоша қилиб турган экан. Эшик очилиб кириб келди ва бизни «хорманглар, ботирлар» деб кулгу қилди. Бу лақаб анчагача давраларда, гурунгларида улашди. Мактабга тарқалди. Ҳозир ҳам борди-ю синфдошлар учрашиб қолсак, уша ҳайгома бир эсланади.

Қишлоқда кимдир туй қилди. Мен билан яна бир болани хабарчиликка жунатди. Мактабга бормадим, ҳалиги бола иккаламиз отга миниб туйга айтишга чиқдик. Туйни уз хабар қушиғи буларди.

Бовала-ё, ҳой,  
Момола-ё ҳой,  
Ҳилола-ё ҳой,  
Туйга боринг, ҳой.

Туй угди. Эртасига мактабга бордик. Не қуз билан курайки, мактабимизнинг деворий газетасида отга чаппа миндирилган ҳолда суратим чизилган эди. Синфдошларим роса маза қилиб кулишди. Менинг аҳволим узимга аён. Бундай пайтда ҳамма ҳам бир хил ҳолатни кечиради. Изза булади. Кейин буни ҳам ширин бир хотирадай эслаб юрдим.

Болалик — фасларнинг

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

**Кампир** — Кунгил ҳар бир одамда булади. Уни сотиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди.

**Отаси** — У шунчалик бебаҳоми?

**Кампир** — Ҳа! Кунглини кўролган одам дунёдаги энг бадавлат, энг бахтли одам булади.

**Отаси** — А-а! Энг бадавлат одам булади?! Ростданми?

**Кампир** — Ҳа!

**Отаси** — Унда мен кунглимни курай!

**Отаси** — (ҳаяжонланиб) Мен ҳам! Мен ҳам курай!

**Кампир** — Ушанда узингиздан нафратланиб кетсангизчи?

**Отаси** — Нега энди? Узимиздан-а? Йўқ-йўқ!...

**Отаси** — Наҳотки?

**Кампир** — (Гулнорга) Қизим сен ҳам уялиб қоласанда? Майлими?

**Гулнор** — (талмовсираб) А-а? .. Нега? Йўқ-йўқ!

**Кампир** — (қўйнидан ойна чиқариб) Ундай бўлса, мана бунга қар...

**Гулнор** — Қарайди.

**Кампир** — Нималарни кўрясан?

**Гулнор** — Узимдай бир қизни. Куйлақлари ҳам меникидай (уст-бошига қарайди) Вой, қўллари, оёқлари ҳам ухшар экан. Вой, унинг қошқузлари, кулча юзлари!.. Жуда чиroyли.

**Кампир** — Ҳа, у тутун. Уша тутун сени безовта қилаётган ҳасад. Қаранг-чи, яна нималар қуриняпти?

**Отаси** — Оғзини очиб тишлайман деб турган ит. Унинг ҳамма ёғи қон.

**Кампир** — Уша сизнинг нафсингиз. Қаранг-чи, яна кўрар экансиз?

**Отаси** — Итнинг оёқлари остида нималардир ялтираб қуриняпти. Улар бир.. икки... уч... тўрт... бешта. Бешта экан.

**Кампир** — Уша ялтираган нарсалар бир қари кампирнинг қизини шамғалат қилиб уғирлаб олган тилла тангали ёнғоқлар.

**Отаси** — (талмовсираб) А-а!... Йўқ-йўқ!.. Уларни кампирнинг ўзи берган эди. Узи берган эди.

**Отаси** — Наҳотки уғирлаган бўлсангиз? Ахир ёнғоқларни Анорнинг бувиси берди дедингиз-ку.

**Кампир** — Яна ойнага қаранг-чи.

**Отаси** — (қурқиб-қурқиб қарайди) Вой, вой! Тулки лабини ялаб, думини уйнатяпти.

**Кампир** — Эшитинг-чи, у нима дер экан?

**Отасининг овози:** Тилла тангали ёнғоқлардан ҳовучингга тулдириб олсанг-чи! Қара, нақ бир қош! Бир қош! Сенда бир донаси ҳам йўқ. Билдингми? Ҳозир кампир ўзи билан ўзи овора. Ана, набираси ҳам чой дамлаб келгани кетди. Пайтдан фойдаланиб, ёнғоқлардан чапғаллаб ол-да, қўйнингга тик. Ҳеч ким сезмайди. Ол-ол!

Курқма! Ҳа-ҳа! Қани!

**Отаси** — Вой-вой.

**Отаси** — (бошини эгиб) Рост-рост. Шундай булган эди. Олган эдим. Уғирлаган эдим. Вой-вой!

Утириб қолади. Қўллари билан бошини чангаллайди. Юзларини беркитади. Бошларини чайқайди.

**Отаси** — Тавба! Тавба!

**Кампир** — (Гулнорнинг онасига) Сиз ҳам кунглингизни қурасизми.

**Отаси** — Йўқ-йўқ, майли. Қурайин.

**Кампир** — (ойнани курсатиб) Қаранг-чи!

Отаси ойнага қарайди.

**Отаси** — Буйлари буйимдай, қўллари қўлимдай (қараб), куйлақлари худди меникидай (уст-бошини тузатиб), сочлари, қош-қўллари худди узимникидай бир аёл.

**Кампир** — Уша узингиз. Яна қаранг-чи!

**Отаси** — (қурқиб) Вой, аёлга илон чирмашиб етибди. Елкаларида яна нималардир урмалаб юрибди. Вой, турдик, қўллари бир дарахтнинг танаси-

ляптимми?

**Гулнор** — Вой аммажонимей... Енидаги Анор-ку!.. Йиг-ляпти! Онажон, онажон, мен узимни ёмон қуриб кетяпман. Ёмон қуриб. Ёмон қуриб кетяпман.

**Отаси** — (йигламсираб) Мен ҳам узимдан нафратланиб кетяпман. Кунглимни қурмай улай. Улай-улай! Мени илон, чаёнлар қуршаб олган экан-ку! Нафсим ёмон қилиб юрган экан-ку! Кунглим нега гапш бу-

**Янги йил мактаб саҳнаси учун**

либ юради десам... Вой-вой!

**Отаси** — Мен нега ҳаммани ёмон қураман, десам гап бу ёқда экан-да-Ичим қоп-қора тутун бўлиб етибди-я! Қоп-қора Муридан ҳам баттар-а! Анорнинг бувисию ўзи нега қузимга балодай қуринади десам, ҳасад ути мени куйдириб етган экан-да. Ҳасад деган васвасага йулиққан эканман-да. Хитлигим шун-

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

**ЭНГ БАХТЛИ КУН**

(Икки парда, тўрт кўринишли пьеса)

дан тортиб ололмай азобланипти.

**Кампир** — Илон кунглингизга урнашиб олган нафе деган бало. Елкаларида урмалаб юрганлари чаён. У ҳасад отгли офат. Дарахт танаси эса... Эсладингизми?

**Отаси** — Йўқ-йўқ!

**Кампир** — Унда кунглингизнинг сузларига қулоқ солинг.

**Отасининг овози:** Утган қишда қайнэгачим меҳмон бўлиб келган эди. Унинг буйнидаги зебигардони, қулоқларидаги сиргалари, айникса, қўлларидаги билакузукларига роса суёт кетдим. Илон боли билакузуклар билакларига бирам ярашган. Вой-вой! Унда бор. Менда йўқ. Роса куйдим. Куйганимдан тоқат қилолмай қолдим. Билакузуклар ялт-юлт товланиб, чаёндай чакди. Илон бўлиб аврайди. Уларни уғирлаб узимизники қилмоқчи бўлди. Агар умармасам улиб қоладигандай бўлавердим. Тун оққанда билакузукларини билдирмасдан олдим-да, ҳовлининг адоғидаги қуриган тутуннинг танасидаги ковак ичидан ташлаб юборганим. Ҳали ҳам уша ерда етибди.

**Отаси** — (қалтираб) Йўқ-йўқ!

**Отаси** — (ҳезланиб) Ушанда опамнинг билакузукларини сен умарган экансан-да, касофат. Узим ҳам гумон қилган эдим-а? Кунглим сезган эди-я! Вой муттаҳам-ей! Бечора опам онамдан мерос яғона ёлғорлик деб қанчалар хуноб бўлиб йиғлади-я! Ушандан бери остонамга қаламини ҳам қўймай қўйди.

**Кампир** — Ойнага қарангларчи?

Қарашади.

**Отаси** — Бечора онажоним, йиғлаб турибди-я! Енидаги қизча ким бўлди экан? У ҳам йиг-



дан экан-да. Вой-вой қанчалар жирканчман-а! Жирканчман-а! Ойнадан узини олиб қоча бошлайди.

**Отаси** — Мен ҳам узимдан уяламан! Уяламан! Нега мен бундайман-а?

Нега-я? Йиғлаб узини ойнадан олиб қочади.

**Гулнор** — Мен-чи, мен? Анорнинг олдида ким бўлдим. Энди унинг юзига қандай қарайман? Узимдан уяламан! Анордан уяламан, уяламан! Нега шундай қилдим-а? Энди нима қиламан-а? Йиғлайди. Юзларини бекитиб бошини сарак-сарак қилади.

**Отаси** — Вой-вой! Шу пайтгача узининг ким эканлигини билмаган эканман-а! Вой кунглим-а! Кунглим! Тутаб куйиб азобланиб етган экан-да. Вой кунглим.

**Кампир** — Кунглингизга

жойлашиб олган маккор шайтонлар асл қиёфаларини ҳали курсатгани йўқ. Улар ҳозир қурқиб қарахт бўлиб туришибди.

**Отаси** — А-а! Наҳотки?

**Отаси** — Наҳотки?

**Гулнор** — Бувижон уларни курсатинг. Бизни улардан ҳалос қилинг. Жон бувижон! Ҳалос қилинг!

**Отаси** — Ҳалос қилинг! Ҳалос қилинг!

**Кампир** — Майли. (Гулнорга) Аввал сен ёнимга кел. (Гулнор чўчиб-чўчиб яқинлашади) Оғзингни оч-да, қўзларингни юм.

Гулнор ота-отасига қараб-қараб, чўчиб қўзларини юмади. Оғзини очади.

**Кампир** — (қўллари олдига чўзиб) Ё бисмиллоҳ! Ё бисмиллоҳ! Ё бисмиллоҳ! Аллоҳнинг амри билан лаънатланган лаъин чиқ (Гулнорнинг оғзидан ниманидир тортиб олаётгандай ҳаракатлар қилади) Чиқ!

нг. Уртоғингни хилват урмонга ташлаб келдинг.

**Гулнор** — Наҳотки! Наҳотки!

**Кампир** — (Гулнорга) Энди узингни қандай сезаяпсан? Бунчалик хунук!

**Гулнор** — (хурсанд бўлиб) Қуш бўлиб учиб кетгандайман. Жуда-жула енгил. (Қўллари билан силкитади) Бувижон, отажон, онажон сизларни бирам яхши қуриб кетяпманки!

Югуриб келиб, уларни бир-бир қучоқлаб упади. Дарахтлар танасини силайди. Қулоқларини кериб, атрофга ҳаракатланиб қарайди.

**Отаси** — (гапланиб) Нима бўляпти бунингга узи!

**Отаси** — (ажабланиб) Билмасам...

**Кампир** — Қизингиз узгарди. Унинг кунгли тозарди. Жисми бадният жиндан ҳалос бўлди. Энди у бутун оламни яхши қуради. Ҳаммага яхшилик қилиб яшайди. Ҳатто хуррак кийиклар ҳам унинг енига келиб эркаланади. Саъва, булбуллар елкасига қуниб хониш қилади. Қушлар кафтидан дон териб ейди.

**Ота-она** — (бараварига) Наҳотки!

**Кампир** — Ҳа! (жинни курсатиб) Мана бу лаънатланган махлуқ шу пайтгача қизингизнинг қонида кезиб, узининг бад ниётларини бажариб келарди. Унга уғирлик қилдирарди, ёлғон сузларарди. Унинг қузига одамларни ёмон курсатади.

**Отаси** — (талвасага тушиб) Бу бадният махлуқ бизнинг ҳам қонимизда борми?

**Кампир** — Ҳа! Улар одамларнинг қонида кезиб, хиёнат, адоват, ҳасад оловини ёқади. Уша оловнинг бурқсиган тутунидан кунгил хира тортади. Ушандан кайфият гапш, хит булади.

**Отаси** — (ҳаяжонланиб) Нега мен доим гапшланиб юраман десам...

**Отаси** — Мен ҳам шундай-да! Доим хит бўлиб юраман.

**Кампир** — Бу — кунглининг хира тортиб, кир бўлиб кетганидан. Лаънатланган мана бу махлуқларнинг кунглингизни ургимчак туридай ураб чирмаб ташлаганидан.

**Ота-отаси** — (талвасаланиб) Наҳотки! Наҳотки! (турган жойларида айланишиб, уст-бошларини қоққандай ҳаракатлар қилишади).

**Отаси** — Бизни бу бадният махлуқлардан ҳалос қилинг!

**Отаси** — (қўллари кўксига қуйганича) Ҳалос қилинг! Ҳалос қилинг!

**Гулнор** — (илтижо билан) Бувижон, ҳалос қилинг! Ҳалос қилинг!

**Кампир** — Оғриқ азобларига тоқат қила олмасизларми?

**Ота-отаси** — (бараварига) Тоқат қиламиз!

(Давоми бор)

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон КИРҒИЗБОВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютериди терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Бўйроғма — Г-0821. 10960 нусхадан босилди. Қогоз билими — А-3. Боснишга доштираш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Набравчи муҳаррир: Б. Қашшоқ.

Руйхатдан ўтин тартиби № 000137. Мақолида № 700083. Тошкент шаҳри. Мағбуотчилар куниси 32-йил. Напр курсаткичи: № 64563. Телефон: 1-33-44-26, 1-36-57-91, 1-36-54-2147.